



ҚЎРИҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА ШАРТНОМА ВА УНИНГ ЎРНИ

Шамшетов Н.Н

*Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси*

Аннотация: Мақолада фуқаролик ҳуқуқи тизимида қўриқлаш хизматини кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий табиати ва ўрни аниқланади, хорижий тадқиқотчиларнинг иши таҳлил қилинади. Таҳлил асосида қўриқлаш шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий тоифалари битим ва мажбуриятлар тури эканлиги ҳақидаги фикр илгари сурилади. Ўрганилаётган шартноманинг ҳуқуқий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қўриқлаш фаолияти давлат хизматининг замонавий тадбиркорлик турларидан бири ҳисобланади. Чунки у қўриқланадиган объектларни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, шартнома асосида ҳақ тўланади. Амалдаги қонунчиликка қўриқлаш хизматини кўрсатиш шартномаси бўйича қоидаларни мустақил юридик бўлинмага ажратиш ва уни тартибга солишни бирлаштиришга оид ўзгартишларни киритиш таклиф қилинмоқда.

Калит сўзлар: қўриқлаш шартномаси, қўриқлаш фаолияти, ҳуқуқий муносабатлар, юридик табиати, шартнома мазмуни.

Аннотация: В статье определяются правовая природа и место охранного договора в системе гражданского права, анализируются работы зарубежных исследователей. На основе анализа договор охраны выдвигается мнение о том, что гражданско-правовые категории охранного договора являются видом сделок и обязательств. С учетом правовой природы исследуемого договора охранная деятельность является одним из современных видов предпринимательской деятельности государственной службы, так как направлена на защиту охраняемых объектов от противоправных посягательств и оплачивается на основании договора. Предлагается внести изменения в действующее законодательство, чтобы выделить положения о договоре охранного обслуживания в самостоятельную правовую единицу и унифицировать его регулирование.

Ключевые слова: договор охраны, охранная деятельность, правоотношения, правовая природа, содержание договора.

Annotation: The article defines the legal nature and place of the security service contract in the Civil Law system. The work of foreign researchers will be analyzed. On the basis of the analysis, the protection contract advances the position that the civil-legal categories are a type of transaction and obligation. Taking into account the legal nature of the studied contract, the security activity is one of the modern business types of the





public service, as it is aimed at protecting the protected objects from illegal attacks, and is paid on the basis of the contract. It is proposed to amend the current legislation to separate the provisions on the security service contract into an independent legal unit and unify its regulation.


Key words: *security agreement, security activities, legal relations, legal nature, content of the agreement.*

Кўриқлаш фаолияти давлатимизнинг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, кўриқлаш фаолияти муҳим функция сифатида мамлакатимизнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, кўриқлаш хизматининг эркин ҳаракатини ифодалайди ва хусусий мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоялайди.

Кўриқлаш шартномаси турли фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг элементларидан иборат бўлиб, ўзига хос битим ва мажбурият тури ҳисобланади. Бироқ, бундай битимнинг ҳуқуқий табиати фуқаролик ҳуқуқи воситалари билан етарлича ўрганилмаганлиги сабабли кўриқлаш фаолиятида бир қатор муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шунинг учун кўриқлаш шартномасининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш орқали моҳиятини очиб бериш ва кўриб чиқиладиган фаолият турини ҳуқуқий тартибга солиш воситаларидан бири сифатида унинг фуқаролик ҳуқуқи тизимидаги ўрнини белгилаш заруратини юзага келтиради. Бунда тўпланган билимлар асосида шартноманинг фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларини аниқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий институтлар тизимида кўриқлаш шартномасининг ўрнини белгилаш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан баҳоли қудрат таклифлар киритиш каби вазифаларни ҳал қилиш керак.

Кўриқлаш шартномаси иккита сўз бирикмасининг синтезидир, яъни "шартнома" ва "кўриқлаш". Фуқаролар кўриқлаш шартномасини қонун устуворлигига асосланган, буюртмачи (жисмоний ёки юридик шахс) ва ижрочи (кўриқлаш хизмати – юридик шахс) ўртасида тузилган, уларнинг келишилган иродасини ифода этган ва ижрочи томонидан кўриқлашни ҳақ эвазига амалга ошириш орқали буюртмачининг объектларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишдан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун мўлжалланган ҳуқуқий ҳужжат деб биладилар.

Бироқ, кўриқлаш шартномасига хизмат кўрсатишнинг бир тури сифатида эътибор қаратилса, кўриқлаш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, шу билан бирга айрим хорижий давлатларнинг Фуқаролик кодекслари ва бошқа фуқаролик қонун ҳужжатларида мустақил ёки алоҳида ажратиб кўрсатилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.






Россиялик tadqiqotchilar fikriga kura [1] "mulkni kuriklash shartnomasi" kabi tushuncha XX asr 20-yillarining ikkinchi yarida kirib kelganligini, lekin usha davrda mazkur shartnomaga xususiy huquq nuqtai nazaridan endashilmaganligini, aniqroq aytganda, xususiy eki шахсий мол-мулк kuriklash shartnomasining objekti bulmaganligini kuriш mumkin. 2002 – 2008 йиллари kuriklash shartnomasining fuqarolik-huquqiy masalalari buyicha Rossiya tadqiqotchilari ushu soxada axamiyatli ishlari bilan ajralib turadilar. Masalan, O. G. Fedorovning [2] kuriklash shartnomalarining mustaqil deb hisoblashi va yagona meyeriy-huquqiy hujjatda mustaqamlanmasligi kerakligi xaqidaги хулосаси эътиборга лойиқдир. Ўз навбатида, С. А. Шаронов [3] tadqiqotida birinchi марта kuriklash shartnomasining huquqiy tabiati urganildi, munosabatlarни huquqiy tartibga солиш манбалари тизимлаштирилди. Ushbu ish amaliy axamiyatga egaligi shundaки, муаллиф "Kuriklash хизматларини kursатиш tufrisida shartnoma" loyixasini taklif qilди. A. B. Milkov [4] uz ishida Kuriklash хизматларини faqat "yuridik шахс"larginа kursатиши mumkinligi tufrisidaги fikrни билдиради.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinки, yuqoridaги ishlarda shartnomadan kelib chiqadigan munosabatlarни urganiшda kompleks endashuv mavjud emas. Shartnoma ikki taraф: buyurtmachi va ijrochi urtasidaги keliшuv doirasida kurilib, kuriklash shartnomasining бошқа yuridik axamiyatga молик бошқа жиҳатлари hisobга оlinмаган. Уларнинг fikrichа, urganilaётган shartnoma uziga хос битим ва мажбуриятдир. Chunki bunday shartnoma buyurtmachi va ijrochi (kuriklash хизмати) urtasida taraflarning qarshi мажбуриятига асосланиб, биргаликдаги keliшuv sifatiда tushuniladi. Unga kura ijrochi uziga берилган huquqlar doirasida buyurtmachining topшиrifiga binоan kuriklanаётган objektларини noqonuniy tajovuzlardan химоя qiliш xолатини таъминлашга qaratilgan kuriklash хизматини kursатишни uz zimmasiga олади va buyurtmachi ushu хизматларни qabul qiliш va хақ tulaш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикасининг Fuqarolik кодекси shartnomaning moхiyatини tuliқ очиб бермаганligи боис амалиётда kuriklash shartnomasi buyicha huquqiy munosabatlarни tartibga солиш нормаларини белгилайдиган бошқа норматив-huquqiy хужжатларга мурожаат qилинади.

Maълумки, kuriklash faолияти bilan boғliқ munosabatlarни tartibga солишda Ўзбекистон Республикаси Fuqarolik кодексининг [5] 38-бобида назарда тутилган, яъни хақ эвазига хизмат kursатишга оид qoidalari tadbiқ этилади. Mazkur bobning шарҳига[6] эътибор qaratilса, хақ эвазига хизмат kursатиш shartnomasi buyicha ijrochi buyurtmachига аshёвий shaklda bulмаган хизмат kursатади. Natijada хақ эвазига хизмат kursатиш hech qандай moddiy shakl kasb etmayди. Ijrochi shartnomada назарда тутилган хизмат






(хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти шуни кўрсатадики, унга кўра ижрочининг шахсан ўзи шартнома шартларини бажариши шартлиги, яъни мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклашни назарда тутувчи умумий қоидадан истисно ҳисобланади. Кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш шартномада кўрсатилган муддат ва тартибда амалга оширилади. Шартнома шартларини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлигини белгилайди. Буюртмачи ва ижрочининг шартнома ва унинг шартларини бажаришни рад этиш ҳуқуқи ҳамда у йўл қўйиладиган шартларни белгилайди. Шартномани бажаришдан бош тортиш, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади. Буюртмачи шартномани хизматлар кўрсатилишидан олдин, шунингдек бевосита хизмат кўрсатилаётган вақтда ҳам бекор қилиши мумкин. Ижрочи шартномани бекор қилиши оқибатида буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билангина шартномани ижро этишни рад этиши мумкин.

Ушбу қоидаларда кўришимиз мумкинки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ўрганилаётган шартноманинг мазмун-моҳиятини бермайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги[7] ва “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги[8] Қонунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти бўйича давлат сиёсатини юритиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини шартнома асосида қўриқлаш фақат Миллий гвардия амалга оширишини белгилайди. Бу шуни кўрсатадики, қўриқлаш шартномасида тарафлардан бирини (ижрочи) фақат Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ташкил этиб, у идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик ёки ҳарбийлаштирилган қўриқлаш турига киради.

Қонун мазмунидан келиб чиқиб, ўрганилаётган шартноманинг ҳуқуқий муносабатлари сифатида учта элементдан иборат деган хулоса қилиш мумкин: шартнома субъектлари, объект ва унинг мазмуни. Шартнома субъектлари - шартнома тарафлари (буюртмачи ва ижрочи), объектнинг ўзи - ҳимоя объекти, мазмуни - тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бир томондан, қўриқлаш хизматини кўрсатиш ва бошқа томондан, хизмат учун шартлашилган ҳақни тўлаш. Ўз навбатида, буюртмачининг мажбуриятлари қўриқлаш хизматини кўрсатишга буюртма бериш, ушбу хизматни қабул қилиш ва тўлашдан иборат бўлиб, ижрочи мажбурияти эса буюртмачининг топшириғига ва бошқа шартларга мувофиқ хизматларни тўғри кўрсатишда намоён бўлади.

Қўриқлаш шартномаси қонунчиликдаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фаолият лицензиясига эга бўлган шахсларгина амалга ошириши ҳақидаги қоидага мос эмас. Чунки, шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳисобланади. Бундан шуни англаш мумкинки, мазкур субъектлар қўриқлаш





фаолиятини амалга ошириш билан бирга хавфсизликни таъминлаш мақсадида бошқа вазифаларни бажаришга ҳам масъул ҳисобланади.

Тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш керакки, кўриқлаш шартномаси ҳаётимизнинг кўп жиҳатларига таъсир қилади ва ҳуқуқий оқибатларнинг давом этиши шартнома қанчалик батафсил тузилганига боғлиқ. Кўриниб турибдики, кўриқлаш фаолияти нафақат буюртмачининг мулки, балки ҳаётини ҳам ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Кўриқлаш хизматини кўрсатиш доираси анча кенгроқ бўлиб, у ўқув жараёнининг хавфсизлигини, турар-жой бинолари, давлат ва коммунал мулкнинг хавфсизлигини таъминлашга, спорт, маданий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат функцияларини амалга оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, жамиятнинг ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам бирдек муҳим рол ўйнайди, масалан, кўшимча иш ўринларини яратишга ҳисса қўшади. Бир сўз билан айтганда, замонавий шароитда унинг аҳамияти жадал ўсиб бораётган келишув асосида ҳаракат қилувчи кўриқлаш бўлинмаларининг ваколатлари доирасини кенгайтириш зарурати мавжудлигини қайд этиш лозим. .

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўриқлаш фаолияти соҳасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи моддалар билан тўлдириш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтириб ўтилганларни сарҳисоб қилар эканмиз, белгиланган вазифалар ечимларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- кўриқлаш шартномаси фуқаролик қонунчилигида мустақил тарзда алоҳида назарда тутилмаган бўлсада, унинг ҳуқуқий табиати битим ва мажбурият тури сифатида белгиланади. Бу бизга Фуқаролик кодексининг нормаларига мурожаат қилиш имконини беради;

- кўриқлаш шартномаси деганда икки тараф: бир томондан буюртмачи (юримдик ёки жисмоний шахс), иккинчи томондан, ижрочи (Миллий гвардия кўриқлаш бўлинмалари), ижрочи томонидан объектларни қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни бажаришни назарда тутувчи ёзма равишда тузилган битим тушунилади;

- кўриқлаш шартномаси тарафлари шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришганларидагина тузилган ҳисобланади;

- кўриқлаш шартномаси кўриқлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш воситаси ҳисобланиб, буюртмачи ва кўриқлаш бўлинмалари ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Медникова Ю. А. Договор оказания охранных услуг как средство правового регулирования охранной деятельности // Право: история и современность. 2019. № 3(8). С. 54 – 61.
2. Федорова, О. Г. Гражданско-правовое регулирование частной детективной и охранной деятельности в Российской Федерации : дис. ...канд. юрид. наук : 12.00.03 / Федорова Оксана Геннадьевна. - СПб., 2002. - 214 с.
3. Шаронов С. А. Концепция гражданско-правового регулирования охранной деятельности в Российской Федерации: монография. М.: Юстицинформ, 2014. 606 с.
4. Мильков А. В. Договор охраны по российскому гражданскому праву: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2008. 26 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2021.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ; Профессонал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Vaktria press, 2013. 912 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2022 й., <https://lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикасининг "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2022 й., <https://lex.uz>

